

Қуръон илмларига ихтисослашган университет ташкил этилмоқда



16:41 / 13 февраль 806

Малайзиянинг Паханг штати султони Абдуллоҳ Риоятуддин Мустафо Биллоҳнинг розилиги билан минтақада Қуръони Карим университети ташкил этилиши [эълон қилинди](#). Мазкур ташаббус минтақада Қуръон таълимини янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Қарорга кўра, амалдаги Султон Аҳмад Шоҳ Ислон университетининг номи Қуръони Карим университети деб ўзгартирилади. Эндиликда олийгоҳ Қуръон илмларига ихтисослашган ҳолда академик дастурларни тақдим этади. Университетнинг асосий вазифаси Қуръон фанлари бўйича юқори малакали олимлар, воизлар ва етакчи мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Султон Абдуллоҳ ушбу ташаббус Паҳангда маънавий тафаккур ва Қуръон илмларини ривожлантириш йўлидаги аниқ мақсадли ҳаракат эканини таъкидлади.

Султон ўзининг Facebook даги расмий саҳифасида ушбу қарорни минтақанинг мақсадини яққол кўрсатиб берадиган тарихий обидага қиёслади.

Янги лойиҳа пайшанба куни Қуръон тиловати ва ёдлаш бўйича ўтказилган 69 Қуръон мусобақасининг ёпилиш маросимида маълум қилинди. Тадбир давомида Султон фуқароларни Рамазон ойига тайёргарлик кўришга чақирди. Шунингдек, муборак ойда ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва муҳтожларга ёрдам бериш, Рамазоннинг баракаси барчага бирдек етиши кераклигини айтиб ўтди.

Тадбир якунида Қуръон мусобақаси ғолиблари тақдирланди. Зулҳошими Муҳаммад Юнус энг яхши қори деб топилди. Нур ас-Саъада Муҳаммад Зайни аёллар ўртасида энг яхши қория деб эътироф этилди.